

Жорий йилдаги янгиланаётган йўллар



Жорий 2019 йилда кўмита тизимидаги "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида – Республикамиздаги талай йўллар реконструкция қилиниб, таъмирланмоқда.

Бугунги кунда иш жараёни кетаётган объектлар сони 202 тани ташкил этади. Қуйида улардан айримларини келтирамиз:

Қорақалпоғистон Республикасидаги А-380 "Ўзур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 753-765 километрлари оралигида 3 км йўл ҳамда ушбу автомобиль йўлининг 916-964 км қисмидаги 5 км йўл тўлиқ янги асфальт билан қопланиб, йўл ёқасини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш ишлари яқунланмоқда.





Андижон вилоятидаги, ҳаракат жадаллиги сутка давомида ўртача 14 мингдан ортиқ транспорт воситаларини ташкил қилувчи А-373 "М-39 а/й-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлининг 450-475 км қисмини реконструкция қилиш объектида йил бошидан буён эни 22,5 метр, узунлиги 3 км йўлга асфальт ётқизилди, йўлнинг икки чети бўйлаб пиёдалар йўлакчаси, шунингдек, йўлнинг ўнг томонидан 3 км, чап томонидан 2 км лик маҳаллий ички автомобиль йўли қурилди.



Навоий вилоятида умумий фойдаланишдаги 4P57 "Қизилқум халқа" автомобиль йўлининг 22-32 км оралиғида Навоий ЙҚТУК бош пудратчилигида реконструкция ишлари амалга оширилди. Йўлнинг эни 9 метрдан 15 метрга қадар кенгайтирилиб, ўткир бурилишлар баргараф этилди. Битта янги кўприк қурилиб, 14 та жойда сой сувларини ўтказиш йўл ости қувурлари ётқизилди.

Сурхондарё вилоятидаги "Термиз халқаро аэропорти - Хайратон кўприги" автомобиль йўлини реконструкция қилиш объектида 5 км йўл қайта қурилиб, замонавий ҳолатга келтирилди.

Тошкент вилоятида эса А-373 "М-39 а/й-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлининг 163-183 км қисмини реконструкция қилиш объектида 7,3 км йўл реконструкция қилиниб, фойдаланишга топшириш ишлари олиб борилмоқда.

Сирдарё вилоятидаги 4Н641 "М39 автойўли-Шоликор ДФХУ" автомобиль йўлининг 0-6 км қисмини реконструкция қилиш объектида 6 км йўлга асфальт қопламаси ётқизилди, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун йўлнинг ҳар иккала тарафига биринчи тоифали тўсиқлар ва 51 та йўл белгилари ўрнатилди. Натижада мазкур ҳудуддаги аҳолини ҳамда бир сутка давомида ўртача 5 мингдан ортиқ автомобиль қатновида ҳаракат хавфсизлиги таъминланди.



Жиззах вилояти Зомин туманидаги Р34 "Жиззах–Работ–Зомин–Сават- Ховос" автомобиль йўлининг 46,4–47 км қисмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.



Шунингдек, Бухоро вилоятида 2 та реконструкция, 2 та тўла таъмирлаш объектлари, Қашқадарё вилоятида 3 та, Наманган вилоятида эса 1 та қайта қуриш объектларида қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Автомобиль йўллари кўмитаси

матбуот хизмати